

**Жорий - таъмирлаш ишларини бажариш бўйича
№ 11 сонли пудрат**

ШАРТНОМАСИ

2022 й. «19» 7

331-6-86-ОВ/2022-сон

Уйчи ш.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Уйчи туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан А. Рахматулла бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган Уйчи ТЙФУК номидан низом асосида иш кўрувчи Д. Жураев иккинчи томондан 14.07.2022 йилдаги № 11-сонли давлат харидлари бўйича электрон савдолар баённомасига асосан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Шартнома мавзуси

1. Пудратчи мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи” тасарруфидаги Уйчи тумани “Менинг йулим” ахборот порталиоркали энг куп овоз туплаган Обод МФЙ Озод кучасини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади Буюртмачи эса Пудратчига шартномага мувофик объектларни жорий таъмирлаш учун зарур шароитлар яратади, бажарилган ишларни қабул қилиш ва конунчиликда белгиланган тартибда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. Умумий шартлар

1. Бажарилган ишлар далолатномаси (Ф-2) лимитларга ёки бошқа харажатлар Пудратчи ва Буюртмачи билан ўзаро тасдиқланган (Ф-2, Ф-3) асосида ҳисобга олинади ҳамда тўлов учун тақдим этилади.

2. Хизматларни бажариш учун Буюртмачи Пудратчига иш майдонини ўз вақтида бўшатиб беради.

3. Бажарилган ишлар далолатномаси хар ойнинг 28 кунигача Пудратчи томонидан Буюртмачига тақдим этилади ва Буюртмачи томонидан тасдиқланади.

4. Буюртмачи Пудратчидан бажарилган ишларни миқдори ва сифатини текшириб қабул қилиб олади. Бажарилган иш сифати проект-смета ҳужжатларига тўғри келмаса Пудратчи камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этади.

III. Пудратчининг мажбуриятлари

1. Барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучлари ва жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш.

2. Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши ва шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиши:

3. Қурилиш вақтида техника хавфсизлигини, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш.

4. Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

RN57637063

Кўриб чиққан юрист: RAXIMOV ISLOM JON INOMIDDIN O'G'LI. Ҳужжат рақами: IS3071672241

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

6. Таъмирлаш давомида лойха смета хужжатларида ҳисобга олинмай қолиб кетган ишларни ва тўла муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа бу тўғрисида буюртмачига ёзма равишда хабар беради

IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

1. Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш.

2. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиши.

3. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади.

V. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар

1. Шартноманинг тузилаётган вақтдаги умумий суммаси **90077800** Тўксон миллион етмиш етти минг саккиз юз) сўм этиб белгиланди. Ушбу сумма танлов тендер савдолари натижасида аниқланган қатъий сумма ҳисобланиб, амалдаги бозор нархларининг ўзгаришига ёки иш ҳақи тўловларининг ошишига боғлиқ равишда ўзгармайди.

2. Буюртмачи Пудратчига шартнома имзолангандан сўнг 30 фоиз миқдорида аванс ўтказади, бу эса **27023340** сўмни ташкил қилади. Қолган тўловлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасида имзоланган далолатнома (Ф-2, Ф-3) ларга асосан 90 кун мобайнида Буюртмачи томонидан амалга оширилади.

3. Ҳисоб-китоб шакли: Пудратчининг банкдаги ҳисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Шартнома бўйича Пудратчи таъмирлаш ишларини 18.07.2022 йилдан бошлаб 18.08.2022 йилгача тўлиқ бажаради. Пудратчи таъмирлаш ишлари муддатидан олдин бажариш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда узил-кесил ҳисоб-китоблар амалдаги қонунчиликда ва ушбу шартномада кўрсатилган тартибда амалга оширилади.

5. Пудратчи объект топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилинган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб бажармаган тақдирда Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилиши керак.

VI. Томонларнинг мулкый жавобгарлиги

1. Пудратчи объектнинг ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларини бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

2. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.4 фоизи миқдорида пеня тўлайди бунда

RN57637063

пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоиздан ошмаслиги керак.

3. Пеня тўлаш Пудратчининг ишларнинг бажарилишнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

VII. Низоларни хал этиш тартиби

1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан қўриб чиқилади.

VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбурятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса томонлар бундай тулик ёки қисман бажармаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

2. Мазкур шартнома бўйича мажбурятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган. Шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

3. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлар ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

IX. Шартномани бекор қилиш

1. Буюртмачи ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда

2. Пудратчи томонидан Пудратчи томонидан шартнома шартлари тозалаш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда

3. Объектдаги таъмирлаш ишлари Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда,

4. Буюртмачи томонидан молиялаштириш тўхтатиб қўйилганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга .

5. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида тутилган ҳоллар бундан мустасно.

X. Алоҳида шартлар

1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма руҳсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалда ги қонун нормалари қўлланилади.

RN57637063

UZO.GOV.UZ ими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: SF55440465

5. Мазкур шартнома томонлар ўртасида тасдиқланиб, Ҳазначилик бўлинимасидан руйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий ҳисобланиб, бир хил юридик кучга эга бўлгани ҳолда 3 нусхадатузилди.

6. Шартноманинг амал қилиш муддати «31» декабрь 2022 йилгача.

Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Пудратчи»

«Буюртмачи»

Уйчи ТЙФУК

Ободонлаштириш бошқармаси

(товар, хизмат курсатувчиноми)

(бюджетдан маблағ олувчи номи)

Манзил: Уйчигумани Янги чек МФЙ А. Темур куча 68 уй

Манзил: Уйчи ш. Беруний куча 1-уй
Тел: 48-21-864

Тел./факс +998 93 052 21 11

Х/Р: 20210000200367723001

ИНН: 200098427 ОКОНХ: 61129

ТИФ Миллий банк Наманган бўлими

МФО: 00222

Раҳбар  Д. Жураев

(Ф.И.Ш.)

ШХВ: 100022860142297045203110002

ИНН: 200098442 ОКОНХ: 90290

Узб. Рес. Молия вазирлиги Ҳазначилиги

Х/В 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ШББ. ХККМ

МФО: 00014 ИНН: 201122913

Раҳбар  А. Раҳматулла

SF55440465

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN
XUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA
HUQUQIY XULOSA**

№ RN57637063

1. Loyiha turi Shartnoma

2. Loyihaning nomi:

Pudrat shartnomasi

3. Loyihani ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Uychi tuman Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 18 iyul 2022 yil ishlab chiqilgan va mazkur dasturga 2022 yil 19 iyul kuni kiitilgan.

4. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlariga, qonunchilik texnikasi qoidalariga muvofiq ishlab chiqilgan. Havola qilingan normalarning qo'llanilishi asosli va maqsadga muvofiq, shuningdek, loyihada korrupsiyaga sabab bo'ladigan omillar mavjud emas. Shu sababdan ushbu shartnoma loyihasini qabul qilish maqsadga muvofiq.

Asos: O'zbekiston Respublikasi Fuqorolik Kodeksining 631-632-635-638- moddalari.

-O'zbekiston Respublikasining 2021 yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli qonuni,

-Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi Tanlov komissiyasini g'olibni aniqlash bo'yicha 118330-lot raqamli 14.07.2022 yil kungi elektron yigilish bayoni.

Markaz bosh yuristkonsulti:



I.Rahimov

"19"iyul 2022 yil


МУХОКАМА АХБОРОТ

16.07.2022 йил

Уйчи туман

Уйчи туман Ободонлаштириш бошқармаси томонидан 2022 йил 4 июлдаги № 22110012118330-сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 56 ва 58-моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича “Обод” МФЙ ҳудудида жойлашган Озод кўчасини жорий таъмирлаш бўйича хизматлари учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича Уйчи “ТЙФУК” томонидан берилган таклифлар комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси” даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлов иштирокчилари томонидан танлов ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ҳолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Хайъат раиси ўринбосарлари ва аъзолар:



О. Жакбаров

Т. Жўрабаев

М. Турдиматов

А. Ибайдуллаев

Ш. Тиланов